

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ


№ 1/5 ✪ 2017



*Иътимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✪ АСТА NUUZ

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

2017
1/5

Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми

Бош муҳаррир:

А.Р. МАРАХИМОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

А.Р. ХАЛМУХАМЕДОВ – ф-м.ф.д.

Таҳрир хайъати:

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Одилов А.А. – т.ф.н., доц.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Мардонов Ш.Қ. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мўминов А.Ғ. – с.ф.д.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Каримов-Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Менглиев Б.Р. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.н.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Маъсул котиб: **К. РИХСИЕВ**

ТОШКЕНТ – 2017

ХОРАЗМ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Рахимов Н.Ш. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек давлатчилигининг ажралмас қисми бўлган ХХСР тарихи, унинг иқтисодиётида амалга оширилган ўзгаришлар, ХХСР иқтисодиётидаги муаммолар ва уларни ҳал қилишдаги ҳаракатлар таълиқ қилинган.

Калит сўзлар. ХХСР, февраль инқилоби, большевиклар, Ёш хиваликлар ҳаракати, РСФСР, Хоразм инқилобий кўмитаси, десятина, национализация, Хоразм иқтисодий кенгаши, Хоразм марказий Ижроия кўмитаси.

Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар жараёни барча соҳаларни ўзида қамраб олган бўлиб, ижтимоий фанлар, жумладан, тарих фани олдига муҳим вазифалар қўйди. Бунда, давлат бошқаруви, иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш мақсадида бой тажрибани холис ўрганиш, ўтмишда содир этилган хатолардан тўғри хулоса чиқаришни замоннинг ўзи тақозо қилмоқда.

Хива хонлигида 1917 йил Петроградда бўлган февраль инқилобидан сўнг, ислохот ўтказиш талаби билан чиққан янги сиёсий кучлар сифатида Ёш хиваликлар ҳаракати намоён бўлди. Натижада, большевикларнинг аввалдан ишлаб чиққан режасига кўра, қуролли кўзғолон ёрдамида 1920 йил февраль ойида ХХСР ташкил топди. ХХСР ҳукумат раҳбарлари Ёш хиваликлардан сайланса-да, республикадаги сиёсий ва иқтисодий масалаларда РСФСРнинг мухтор вакиллари доимий иш олиб борган ва асосий кўрсатмаларни бериб турган.

1920 йил 7 апрелда Хоразм инқилобий кўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида РСФСР ҳукуматининг вакиллари нутқ сўзлаб, Россия ҳукумати Хоразм халқига қўлдан келганча ёрдам беришини ва бундан кейин республикада тузилиши керак бўлган нозирликлар ва уларнинг фаолияти тўғрисида гапирдилар. Жумладан, маданият ва маориф, ҳарбий, халқ хўжалиги, молия, давлат назорати, адлия ва ташқи ишлар нозирликларини ташкил қилиш, шунингдек, хон ва унинг амалдорларига тегишли бўлган ерлар ва бойликларни мусодара қилиш таклифи билан чиқадилар.

1920 йил 23 апрелда Бутун Хоразм халқ вакиллариининг I курултойида Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилди. Халқ Нозирлар Шўроси ранси этиб Полвонниёз Ҳожи Юсупов сайланди[1]. Лекин Полвонниёз Ҳожи Юсупов раҳбарлигидаги ҳукумат фаолияти узокка чўзилмади. Ўз халқи миллий манфаатларини ёқлаб сиёсат юритгани учун 1921 йил 6 мартда Полвонниёз Ҳожи Юсупов раҳбарлигидаги ҳукумат кизил аскарлар ёрдамида ағдариб ташланди ва янги тузилган раҳбарият большевиклар ҳукуматига тўлиқ бўйсундирилди.

Большевиклар сиёсий қарамликдан ташқари, мамлакат иқтисодий мустақиллигини ҳам ўз назоратига олиш учун зўр бериб ҳаракат қила бошладилар. Шу мақсадда 1920 йил 13 сентябрда РСФСР ва ХХСР ўртасида 24 моддадан иборат Иттифок шартномаси ҳамда 15 моддадан иборат иқтисодий битим тузилди[2].

Ушбу битимга кўра, ХХСР ўзининг ички истеъмоли учун ортиқча барча хомашёсини, ХХСР иқтисодиётининг асоси бўлган пахта ва пахта маҳсулотларини, мўйна, гилам, тери, жун, уруғликларнинг барчасини РСФСР ихтиёрига бериши керак эди. Бундан ташқари, бошқа давлатлар билан эркин савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилганди. Хоразмнинг иқтисодиёти Россия эҳтиёжига мослаштирилганди.

ХХСР иқтисодиётининг асосини дехқончилик, чорвачилик, маҳаллий хунармандчилик, қисман саноат соҳаси ташкил қиларди. Дехқончиликда асосий ўринни пахтачилик, чорвачиликда гўшт, тери ва жун етиштириш ташкил қилган. Мавжуд саноат корхоналари хомашёга дастлабки ишлов бериш билан кифояланган.

Хоразм Республикасида асосий муаммо ерсув масаласи эди. Маълумки, Хоразм ўлкаси иқтисодиётини асосини дехқончилик ташкил қилиб, аграр давлат бўлган. XX асрнинг 20-йиллари бошида ХХСРда ерга эгаллик қилиш муносабатлари ислоҳ қилинди.

1920 йил 23 апрелда бўлиб ўтган Бутун Хоразм халқ вакиллариининг I курултойида чиқарилган қарорга кўра, хон ва унинг амалдорлари, шунингдек, хоннинг қариндошларига тегишли мол-мулк мусодара қилинди. Натижада мусодара қилинган ерлардан 10 минг десятинаси ерсиз ва кам ерли дехқонларга бўлиб берилди[3].

Ёш хиваликлар ҳукумати большевиклар кўрсатмаси асосида республикадаги ерларнинг барчасини аста-секинлик билан национализация қилиб, дехқонларга бўлиб берган. Масалан, 1922-1923 йилларда жами 40.000 таноб ер дехқонларга бўлиб берилди[4].

Хоразм дехқончилигида азалдан асосий эътибор бугдой, шоли, пахта экинларига қаратилган бўлиб, большевиклар ҳокимият тепасига келгандан сўнг асосий эътибор пахтачиликка қаратилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРда пахтачиликни ривожлантириш орқали Россиянинг пахтага бўлган эҳтиёжини Ўрта Осиё Республикалари орқали тўла таъминлаш эди.

1922 йил 25 июлдаги РСФСР нинг Хоразмдаги махсус вакили ва Хоразм Иқтисодий Кенгаши ўртасидаги келишувга кўра Хоразм Иқтисодий Кенгаши барча эски пахта ҳосилини Ташки савдо нозирлиги ихтиёрига топшириши ва нозирлик пахта ҳосилини Москвага жўнатиши керак эди. Шунга кўра, 1921 йилги ҳосилдан 200 минг пуд пахта зудлик билан Марказга жўнатилди[5].

* Рахимов Н.Ш. — Алишер Навоий номидаги ТДУТАУ ўқитувачиси.

Демак, кўриниб турибдики, большевиклар пахта толасини бутунлай Марказга ташиб кетишни, ундан сўнг Республика халқ хўжалигини пахтачиликка қаратишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда бошқа деҳқончилик экинлари ўрнига йилдан-йилга кўпроқ пахта экилди. Бу эса озик-овқат маҳсулотлари нархининг ошиб кетишига олиб келди.

1922 йил 20 декабрдаги Хоразм Марказий Ижроия Кўмитасининг қарорига кўра Республикада етиштирилган пахтани деҳқонлардан сотиб олишни Савдо ва ишлаб чиқариш нозирлиги зиммасига юклатилди, нозирлик эса пахтани фақат Россияга сотган[6].

Пахта хомашёсини етиштириш, пахта экин майдонларига америка навли пахта экиш, экин майдонларини сугоришни машиналаштириш, пахта эккан деҳқонларга қулайлик яратиш (масалан, пул, уруғлик, озик-овқат маҳсулотлари бериш – Н.Р) мамлакат халқ хўжалигини юксалтиришга ёрдам берди. Лекин, пахтачилик ва пахта хомашёси фақат Марказ манфаати учун хизмат қилди.

Хоразм иқтисодийётида иккиламчи ўринни эгаллаган саноат соҳасини маҳаллий хунармандчилик ва аввал қурилган саноат корхоналари ташкил қилган. Республикадаги мавжуд саноат корхоналари большевиклар босқини вақтида вайрон этилган эди. Натижада чет элга саноат маҳсулотлари чиқариш камайиб кетди. ХХСРдаги мавжуд саноат корхоналарини тиклашдан Ёш хиваликлар ҳукумати ҳам, большевиклар ҳам манфаатдор эди.

Биринчидан, саноат корхоналари тикланса, у мамлакат иқтисодийётига ижобий таъсир кўрсатган, иккинчидан, аграр мамлакатдан индустриал мамлакатга айланиш учун замин тайёрланган. Шунинг учун ҳам Ёш хиваликлар мамлакат саноатининг ривожланишидан манфаатдор эдилар.

Большевиклар эса, саноат корхонапарини тиклаш орқали (хусусан, пахта заводларини) пахта хомашёсини ва хунармандчилик маҳсулотларини мамлакатдан олиб чиқиб кетишни мўлжаллашган. 1920 йил сентябрь-октябрь ойларида хунармандчилик устахоналари ва Россия капиталистларига тегишли корхоналар национализация қилинди. 1920 йилда ХХСРда 11 та пахта тозалаш ва 3 та ёғ заводи руйхатга олинган. Шундан 3 та пахта завод яроқли бўлган[8].

Пахтачиликка эътибор кучайиши натижасида мавжуд пахта тозалаш ва бошқа саноат корхоналарини таъмирлаш йулга қўйилган. Натижада, 1923 йилга келиб 6 та пахта тозалаш заводи, 4 та тери заводи, 10 та гишт заводи ва ёғ заводлари тикланиб, ишга туширилган[9].

ХХСРда ҳам хунармандчилик устахоналари ҳудудий бўлиб, Кўнғирот жун маҳсулотлари ва балиқчилик, Иляли ва Тошқовуз гиламчилик маркази, Урганч ва Хонқа тери, Хива темир, кийим-кечак, кулолчилик, Питнак қоракўл маҳсулотлари етказиб берган[10]. Лекин бу маҳсулотларнинг ҳаммаси ХХСР иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун эмас, балки Марказ эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, ХХСРда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда коммунистик мафкура асосида иш олиб борилиб, биринчи навбатда, мулкчилик муносабатларига чек қўйилди. РСФСР билан савдо ва иқтисодий шартномалар тузилиб, ҳудуддаги подшо Россиясига тегишли мулклар давлат ихтиёрига ўтказилди. Ерлар, завод ва фабрикалар барча-барчаси давлат тасарруфига олиниб, қаттиқ назорат ўрнатилди. Аммо, темир йул, почта ва телеграф сингари ҳарбий аҳамиятта тегишли бўлган объектлар РСФСР ихтиёрида қолдирилди.

Лекин ҳукумат раҳбарлари, мамлакат иқтисодийётини ривожлантириш учун кўлдан келганча миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда иш олиб боришга ҳаракат қилишди. Большевиклар билан миллий раҳбар кадрлар ўртасидаги можаролардан бири бу вақф ерларига муносабат масаласи эди. Марказ вақф ерларини давлат назоратига олинишидан манфаатдор бўлган. Чунки вақф мулклари диний муассасаларнинг, шунингдек, диний уламоларнинг даромад манбаи ҳисобланган. Вақф мулкларини мусодара қилишдан кўзланган асосий мақсадлардан яна бири “ислом” одатлари ва шариат қоидаларига зарба бериш эди. Охир-оқибат вақф ерлари Маориф нозирлиги тасарруфига ўтказилди.

Қишлоқ хўжалигидаги асосий эътибор пахтачиликка қаратилган бўлиб, асосан Америка навли пахтани экишга кўпроқ ерлар ажратила бошланди. Натижада, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиш йилдан-йилга камайиб кетди. Чорвачиликда асосий эътибор иш хайвонларини етказиб беришга қаратилиши натижасида аҳолининг гўшт ва сўт маҳсулотларига эҳтиёжи ортиб борди, шунингдек, қоракўл тери етказиб бериш камайиб кетди.

Пахта экинларини кўпайтаришдан мақсад, Марказ саноатини пахта хомашёси билан тўлиқ таъминлаш эди. Россиядан саноат маҳсулотларининг кўплаб олиб келиниши натижасида маҳаллий хунармандчилик инкирозга юз тутди. Мавжуд саноат корхоналарининг барчаси пахта саноати учун хизмат қиларди. Ташқи савдони, аввал фақат РСФСР, сунгра эса СССР воситачилигида олиб боришга мажбур эди.

Маҳаллий хунармандчиликка зарба беришдан мақсад ҳам хусусий мулкчиликни йўқотиб, социалистик андозадаги жамиятга ўтиш эди. Натижада, ХХСР иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг барча-барча соҳаларида большевиклар манфаатини кўзлаб ишлар амалга оширилди, бу кейинчалик, Марказий Осиёда миллий ҳудудий чегараланиш ўтказилгандан кейин ҳам давом этди.

Юқоридаги хулосалар асосида қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

– ХХСР иқтисодийётида амалга оширган ислохотлар натижасида саноат-корхоналар национализация қилинди ва қаттиқ давлат назоратига олинди. Бу жараёнлар қандай амалга оширилди, халқнинг бунга муносабати масалалари давр адабиётларида қай даражада ёритилганлигини очиқ бериш;

– Хоразм минтақаси иқтисодиётида амалга оширилган ислохотлар натижасида, вақф мулклари тугатилди, айрим тарихий қадамжолар ҳам пахта далалара айлантирилган. Ушбу мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш, янги архив манбаларини аниқлаш, уларни таққосий таҳлил қилиш лозим.

Шунингдек, Хоразм иқтисодиётида иккилам-чи ўринни эгаллаган саноат соҳаси маҳаллий

хунармандчилик бўлиб, РСФСРдан, сўнгра эса СССРдан саноат маҳсулотлари кириб келиши натижасида ўз аҳамиятини йўқота бошлаган. Бунинг натижасида эса миллий хунармандчилигимизнинг айрим турлари йўқ бўлиб кетди, айрим турлари йўқ бўлиш арафасига келиб қолган. Хоразм минтақасидаги ушбу хунармандчилик турларини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Юсупов П.Х. Ёш хивалиқлар (Хотиралар)... – Б. 217-218.
2. ЎзР МДА, 69-фонд, 1- рўйхат, 2-иш, 1- варақ ва унинг орқаси.
3. Погорельский И.В. Истории Хивинской Революции в Хорезмской Народной Советской Республики (1917- 1924 гг.). – Ленинград: 1984. – С. 123.
4. История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. – Москва: Наука, 1971. – С. 145.
5. История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 116.
6. История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 176.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб... – Б. 225.
8. История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 104
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб... – Б. 225.
10. История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 182-183.

РЕЗЮМЕ

В статье, подготовленной на основе научной литературы и архивных материалов освещаются основные этапы истории Хорезмской Народной Советской Республики, проблемы и процессы, происходившие в экономической структуре этой неразрывной части узбекской государственности.

Ключевые слова: ХНСР, февральская революция, большевики, движение “Младохивинцев”, РСФСР, Хоразмский Ревком, десятина, национализация, Хоразмский Экономический совет, Хоразмский Центрисполком.

RESUME

In the article the history People's Soviet Republic Khorezm inalienable part of Uzbek statehood and the changes introduced in its economy are discussed. PSRK's economical problems and attempts to solve them are analyzed basing on a number of literatures and archive materials.

Keywords: PSRK, February revolution, Bolsheviks, Youth movement of Khiva, RSFSR, Revolutionary Committee of Khorezm, dessiatina, nationalization, Economy Council of Khorezm, Central Executive Committee of Khorezm.